



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 10 сентябрь, № 176 (5343)

Шанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 16 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Табиятнинг муҳофазаси тўғрисида**»ги 754-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбоши** куйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **21-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **41-модданинг иккинчи қисмидаги** «саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **44-модданинг иккинчи қисмидаги** «саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **73-модданинг биринчи қисмидаги** «саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9 сентябрь куни Оқсаройда Словакия Республикаси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Ҳиндистон Республикаси, Италия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Юрай Сивачек, Абдурахмон бин Абдулла бин Абдурахмон аш-Шае, Анумула Гитеш Сарма ва Риккардо Манардан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатлар билан муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаб, дипломатларга бошлаган масъулиятли ва шарафли миссияларида муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистонда Словакияга Шарқий Европа ва умуман, Европа Иттифоқидаги муҳим ва ишончли ҳамкорлардан бири сифатида қаралади.

Икки томонлама муносабатларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1997 йил январь ойида Словакияга расмий таширифи чоғида асос солинган. Мамлакатларимиз ўртасида кўп қабатли муносабатлар ҳамкорлик бўйича катта тажриба орттирилган, йигирмадан зиёд ҳужжатдан иборат йирик шартномавий-ҳуқуқий асос яратилган.

Урашувда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани, мавжуд имкониятлар ва салоҳиятлари фаол ишга солиш унинг кўламини се-

зиларли даражада ошириши мумкинлиги таъкидланди.

Маданият, атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва таълим, сайёҳлик соҳаларида ҳам алоқаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Юрай Сивачек мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни ўзининг дипломатик миссияси давомидаги асосий вазифа этиб белгиланганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони халқларининг муносабатлари кўп асрлик дўстлик ва ўзаро ишонч тамойилларига асосланган. Бу давлатларимиз ўртасидаги ҳозирги алоқаларда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Долзарб халқаро ва минтақавий масалаларнинг аксарияти бўйича томонларнинг ёндашувлари ўхшашдир. Мамлакатларимиз БМТ, Ислам ҳамкорлиги ташкилоти, Форс кўрғазидидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ва бошқа халқаро тузилмалар

доирасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалар ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидир ва икки томон ҳам бу борада улкан салоҳиятга эга.

Урашувда молиявий-сармоявий ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистон мамлакатимиздаги қатор йирик лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган Саудия Арабистони тараққиёт жағмафаси билан ҳамкорликни юқори баҳолайди.

Элчи Ўзбекистон Республикасидаги миссиясига икки мамлакат ўртасида ўзаро фойдали бўлган барча соҳаларда муносабатларни рағбатлантиришга ҳисса қўлиши учун яхши имкониятларни қарашини таъкидлади.

Ҳиндистон элчиси билан суҳбат чоғида Президент Ислам Каримовнинг жорий йил 17-18 май кунлари ушбу мамлакатга давлат таширифи икки томонлама ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаргани қайд этилди. Таширифи асносида кўп қабатли муҳим ҳужжатлар, жумладан, қиймати 2,2 миллиард АҚШ доллари тенг иқтисодий битимлар имзолангани икки мамлакатнинг ўзаро манфаатли муносабатлар-

ни янада ривожлантириш борасидаги азму шижоатини намойиш этди.

Мамлакатларимиз кенг кўламли давлатлараро ҳамкорликка катта эътибор қаратиб келмоқда. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо соҳасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилмоқда, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари мувофиқлаштириладиган ҳужжатлараро комиссия фаолият кўрсатмоқда.

Урашувда икки томон ҳам ахборот технологиялари, телекоммуникациялар, фармацевтика, биотехнология, тўқимачилик ва енгил саноат, кимё соҳаларига сармоя жалб этишни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Анумула Гитеш Сарма халқининг руҳияти, менталитети ва миллий хусусиятлари Ҳиндистонга яқин бўлган Ўзбекистонда ўз мамлакатининг элчиси сифатида ишлагани катта шараф деб билинади, Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги юксалиш йўлидан бориши учун бор куч-ғайратини ишга солишни қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Италия ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Италияни, аввало, халқаро сиёсатда муҳим ўрин тутадиган давлат деб билади. Мам-

лакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик бўйича бой тажриба тўпланган, шунингдек, Ўзбекистон — Италия муносабатларини қамрайдиган кўп қабатли томонлама ҳужжатлар амал қилмоқда.

Урашувда Турин политехника университети Ташкентдаги филиали муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани, унда мамлакатимизнинг юксалиб бораётган автомобиль соҳасидаги саноати учун юқори малакали кадрлар тайёрланаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатимиздаги кенг кўламли модернизация жараёнига ҳамда Ўзбекистонда, шу жумладан, «Навоий» эркин-индустриал иқтисодий зонасида енгил саноат, автомобиль соҳасида, энергетика, қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа муҳим соҳаларида янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга Италия инвестициялари ва юқори технологияларини жалб қилишдан икки томон ҳам манфаатдордир.

Риккардо Манар Италия ҳам, Ўзбекистон ҳам ўзаро муносабатларни самарали ривожлантириш учун барча имкониятларга эга эканини таъкидлади. Италия дипломатик миссиясининг янги раҳбари сифатида бунинг учун ўзининг бор куч ва имкониятларини ишга солишга тайёр эканини қайд этди.

(Ў.А.)

ЖИЛОЛАНГАН ЖИЗЗАХ



Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах воҳасида ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги зўр кўтаринкилик руҳида қутиб олиниб, жойларда шодиёнлар давом этмоқда. Унинг бугунги ҳаётига назар ташлаш олдида Президентимизнинг қуйидаги сўзларини дилчимизга тугдик: «Жиззах вилояти ўзининг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқариш қувватлари, табиий бойликлари билан ҳам мамлакатимиз халқ ҳўжжалигида алоҳида ўрин тутати. Энг муҳими, унинг ўзига хос кўчмаслиги, мавқе-эътиборини мана шу саховатли заминда яшайдиган захматқаш инсонлар, уларнинг ақл-заковати, фидойилиги, эл-юрт ишига садоқати белгилайди».

Тараққиёт тимсоли

Жиззах халқи давлатимиз раҳбарининг меҳрини, алоҳида эътиборини ҳамиса юксак қадрлайди. Шўро салтанатининг сўнгги талвасаси даврида Жиззахни вилоят сифатида тугатиб юборишганди, истиқлол арафасида Президентимизнинг бевосита қатъий позицияси туфайли ижтимоий адолат тиклангани ёши улғў Жиззахликлар янги авлод вакиллари миннатдорлик билан гапириб берадилар.

Мустақилликнинг 20 йили мобайнида Жиззах вилояти ёнига яна битта вилоят қўшилди, десак муболага бўлмас. Охириги ўн йилликнинг ижтимоий-иқтисодий таҳлилига кўра, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2,4 бараварга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,8 бараварга, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш 9,2 бараварга ошди. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида юритилаётган оқилона сиёсат туфайли маз-

кур вилоятда мислсиз мар-ралар забт этилмоқда.

Жиззахни табиий-иқлим имкониятларига кўра, аграр ҳудуд деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмасди. Мустақиллик йилларида изчил юритилган сиёсат туфайли саноатга эътибор қўйилди. Бундай иш тутиш кейинги йилларда яхши самара бермоқда. Илгари ишлаб чиқариш қуввати су-сайиб қолган корхоналар бо-зор муносабатларининг ўзига хос қўнунларига амал қилин-ганлиги сабаб қайта оёққа турмоқда. Жиззах индустрия-сининг чинакам пешқадамла-ри нафақат мамлакат, балки дунё микёсидида ўзлигини намоеён этмоқда.

Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар орқали Ўзбекистон номини олис китъаларга таратаётган корхоналардан бири «Жиззах аккумулятор заводи» очик акциядорлик жамиятидир. Ушбу корхонанинг бош офиси вилоят марказининг «А» саноат ҳудудида жойлашган. Дарво-задан ичкари киришингиз билан ўзингизни мутлақо бошқа

дунёга ту-шиб қолгандай ҳис қиласиз: ям-яшил майсалар гўё расмом томонидан ишлан-ган тасвирига ўхшайди, ял-ял ёниб турган гулларнинг ёрқин нурлари тўғри қалбин-гизни ёритади. Бундай но-зик дид, ҳафсала фақат ўз корхонаси билан гурурлана-диган кишиларда бўлади, де-ган фикр кўнглингизга кела-ди. Марказий Осиёда аккумулятор батареялар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шу-ғулланадиган мазкур корхо-на ноёб, истиқболли ва жа-дал ривожланаётган иншоот ҳисобланади. Бу ерда чиқарилаётган маҳсулотлар «CLASSIC» савдо белгиси ос-тида истеъмолчиларга жуна-тилади.

Завод чехларига ўрнатил-ган технология АҚШ, Герма-

ния, Италия, Мексика, Дания давлатларидаги энг илғор компанияларга мансуб. Мах-сулот сифати халқаро «ISO 9001 : 2000» сертификати, Англиядаги «Европа бизнес иттифоқи»нинг «Европаи кволити» нишони ва Фран-циядаги Савдо фаоллари клуби томонидан «Голден трофи фор кволити» нишо-ни билан тақдирланган. Утган йили 28,5 миллиард сўмлик аккумулятор батарея-лари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг етти ойида 19,4 миллиард сўмлик 243,1 минг дона маҳсулот тайёрланди, бултур шу дав-радаги нисбатан ўсиш 135 фоизни ташкил этди. Йил

яқунигача маҳсулот ҳажми камида 34 миллиард сўмлик бўлиши кутилмоқда.

— Энг катта ютуғимиз кор-хонамиз номини элга тани-таётган мутахассислар тўлиқ маҳаллий кадрлар эканлиги-да, — дейди акциядорлик жа-мияти раиси Қудратилла Рафиқов. — Айниқса, ёшларимиз мураккаб механизм-ларни тез ўзлаштиришяпти.

Шундай умидли ёшлардан бири, Президентимиз Фар-монига биноан «Меҳнат шў-рат» ордени билан тақдир-ланган Холдор Холматов билан суҳбатлашамиз.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувват-лашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натияжада иқтисодиётимиз тараққиёти-да мазкур соҳанинг улуғи орятапти.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликнинг бу қадар ривожланишида уларнинг эркин фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий базанинг яратилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР Давлат солиқ кўмитаси томонидан муфассал тушунтирилди

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуа-си Давлат солиқ кўмитаси томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури дои-расида ташкил этилган кўргазмали семинарнинг очилиш маросимида шулар ҳисобига сўз юритилди. Унда иштирок этган тадбир-корлик субъектлари вакил-ларига яратилаётган имти-ёз ҳамда енгилликлар ҳақида маълумотлар берил-ди. Булар нималардан ибор-рат? Президентимизнинг жорий йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан, масалан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бар-тариф этиб бўлмайдиган барча зиддият ёки ноаниқ-ликлар тадбиркорлар фой-дасига талқин этилиши бел-гилаб қўйилди.

Фармонга кўра, 2012 йилнинг 1 январидан бош-лаб саноат соҳасида фао-лият юритаётган микро-фирма ва кичик корхо-наларнинг ягона солиқ тўло-ви ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Юртбошимиз қайд этганидек, хусусий мулк-нинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қўнуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига алоҳида шубҳа қилмаслигини таъ-минлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарур.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Хусусий мулк азалдан одамларда қизиқиш, рағбат уйғотиб келган. Негаки, мулкнинг эгаси бўлса, меҳнат унмдорлиги бир неча маротаба ортади. Мулкдорнинг қайфияти, интилиши, иш юритиши, ўз фаолиятига, умуман, ҳаётга муносабати бошқача бўлади. Мулк эгаси ўз ишини яхшилашга, мулкига мулк қўшишга ҳаракат қилади.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда мулкдорларнинг ўрни ниҳоятда катта. Zero, улар жамиятдаги ўзгаришларга бевосита дахлдор бўлган қатламдир.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти-ни ривожлантириш концепциясида бозор иқти-

дорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғриси-даги қўнуний ишлаб чиқилган қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди.

Юртбошимиз қайд этганидек, хусусий мулк-нинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қўнуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига алоҳида шубҳа қилмаслигини таъ-минлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарур.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 97-модда номидаги ва биринчи қисмининг диспозициясидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 98-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 260-модда номидаги, биринчи қисмидаги ва иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги 2018-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 7-модданинг иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 16-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 17-модданинг: иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 28-модданинг учинчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин: «Кон ажратмалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан берилди»;

5) 29-модданинг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси хузуридаги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 44-модданинг бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги 232-I-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Табiiатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомини (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 70-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 1,

22-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 463-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) 8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Чикиндилар тўғрисида»ги 362-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 6-модданинг бешинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин: «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан бундан матнда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси деб юритилади);

2) 10-модданинг номи ва матнидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар тегишсиз равишда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2011 йил 9 сентябрь № УЎҚ-294

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Давлат солиқ қўмитаси томонидан муфассал тушунтирилди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Бугунги кунда республикада иқтисодийнинг шу тармоғида 32 мингта тadbirkorлик субъекти мавжудлиги, уларнинг 23,4 мингтаси ёки 78 фоизи бюджетга ягона солиқ тўлашини инобатга олсак, бу тadbirkorлар учун жуда катта имтиёз ва имконият эканлиги аёнлашади.

2011 йилнинг 1 октяб-ридан эътиборан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун уни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорга нисбатан учдан бир қисмга камайтирилади. Яъни бундан кейин шундай ҳолатларда 0,05 фоиз эмас, 0,033 фоиз пеня ҳисобланади.

Бундан ташқари, Президентимиз Фармонига асосан, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига 2014 йилнинг охиригача барча кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларини ҳисоботларини топширишининг электрон тизимига бошқичма-бошқич ўтказиш вазифаси юклатилди.

Кувонарлиси, Давлат солиқ қўмитасида бу борада солиқ тўловчилар билан самарали ишлашга алақачон киришилган. Бугунги кунда шу мақсадда ўндан ортик интерактив хизматлар йўлга қўйилгани, сўнги уч йил давомида ушбу хизматларга мурожаат этувчилар сони 4 баробарга ортгани бунинг исботидир.

Фармонга мувофиқ, тақдим этилган энгилликлар нафақат солиқ, балки бошқа соҳаларга

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Тажиба орттириш учун АҚШ, Туркия давлатларидаги турдош корхоналарда иш ўрганиб келдим, — дейди уста. — Илгари сурма қотишмалар аккумулятор чиқарар эдик, эндиликда кальций қотишмалари махсулотини конвейерга қўйдик. Кейингисининг фойдаланиш мuddати кўпроқ бўлиб, қўшимча зарядлашга ҳожат йўқ. Бу турдаги аккумуляторга Қозоғистон, Афғонистон, Россия каби давлатларда қилди хамкорлар ва ўзимиздан «GM Uzbekistan», «Самавто», «Манавто» корхоналари харидор бўлишяпти.

Жамиятнинг ишончли таянчи

...Қайси туманга борманг, замонавий услубда қурилган бинолар, касб-хунар коллежлари, кўп қаватли мактаблар вилоят кўрғига кўрк бағишлаб турибди. Муस्ताқиллик йилларида 79 та касб-хунар коллежи, академик лицейи, 588 та мактаб янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. Жаҳон андозлари талаблари асосида қурилган бу билим масканларида ёшларнинг таълим олишлари, касб-хунар ўрганишлари, мусиқа ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш, соғлом ва баркамол бўлиб етиштирилиши катта эътибор берилляпти.

Хатолардан сабоқ чиқариб

Вилоятда кишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ишловчиларнинг ўзига хос тарихи бор. Утган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, суғориладиган ерларнинг асосий қисмига узлуқсиз пахта экилгани, алмашлаб экишга эътибор қилинмани бонс тупроқ структураси бузилиб, мавжуд экин майдонларининг 82 фоизи турли даражада шўрланиб кетгани учун пахта ҳосилдорлиги 15-16



“Жиззах аккумулятор заводи” очик акциядорлик жамияти йиғув чеки ишчиси Ихтиёр Сафаров ўзи тайёрлаётган махсулот орқали Ўзбекистон номи дунёга таралаётганидан чеқсиз гурурланади.

центнерга тушиб қолган эди. Муस्ताқилликнинг дастлабки йилларида бошлаб, тупроқ ўнумдорлигини ошириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга — кишлоқ ҳўжалигидаги ишловчиларнинг асоси, деб қаралди. Давлатимизнинг бевосита ёрдами билан ҳоржидан серумун экскаваторлар келтирилди, коллекторларни ўз вақтида тазалашга янги, самарали усуллар жорий этилди. Агар 1995 йилда экин майдонларининг мелiorатив ҳола-

тини яхшилаш ишларига 23 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, 2010 йилда бу рақам 10 миллиард 16 миллион сўмга етди. Жорий йилда мазкур йўналишда 11 миллиард сўм маблағ сарфлангани кўзда тутилмоқда. Коллектор-дренаж тармоқларида амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишлари туфайли 16650 гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. 4300 гектар майдонда зах сув сатҳи 2 метрга пасайтирилди. Шунингдек, бошқа кишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги хам сезиларли даражада ошди. Поллиз ва сабзавот махсулотлари кўпайди. 1200 гектар янги боғлар ташкил қилинди. Биргина шу йилнинг кўламини да вилоят бўйича 12 миллион туп мева-вали дарахт ниҳоллари ўтказилди.

Ёнги саноат мўъжизалари

“Жиззах-Кўхунур” хусусий корхонаси махсулот чиқара бошлаганига яқинда бир йил тўлади. Унинг раҳбари Холисхон Бобоева тadbirkorлик соҳаси-

ЖИЛОЛАНГАН ЖИЗЗАХ

ни танлаганига йигирма йил бўлибди. Бунгача вилоятда барпо этилган лицей ва коллежларини шифер билан таъминлаган Холисхон “Нега пилла хам амбос омборларда туриб қолапти?” деган саволдан энг илгор технологияларни келтириш ташаббуси билан чиқди. Қатъиятли тadbirkor Чин юртига сафар қилди. Хитойликлар “Шу пайтгача бизга аёл киши дастгоҳ сўраб келмагани” деб олди-сотида шартномасини тезда битириб беришди.

Аҳвол қалай, мақалладош?

Муस्ताқиллик берган имконият уфқи шу қадар кенги, уни дафъатан илғаш ҳам мушкулдир. Агар бу имконини ҳамма юртдошларимиз бирдай илғаб етсалар, жуда катта самарга эришиш мумкин. Ҳаёт бир илг тудса бўлмайди. Одамларнинг савияси, дунёқарashi, муносабати турлича. Жиззах вилоятида “Кўчли давлатдан — кўчли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган бир ҳаракат йўлга қўйилгани, унинг ибратли жиҳатлари қўлигини ҳисобга олиб, муфассал изоҳлаш ўринлидир. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги маҳаллаларда замон талабини ҳис қилган, зиёли фуқаролардан иборат фидойилар гуруҳи ташкил қилинган. Айтилик, бир маҳаллада мингта хонадон бор. Ҳар 10 та хонадонда 2 нафар фаол бириктирилди. Фаоллар вақти-вақти билан хонадонларда бўлганларидо оила аъзолари билан яқиндан танишишди. Бу уйда қариялар борми? Бор бўлса пенсияни вақтида олаптимми? Агар ботиб қили бўлса, шифокор назоратидами? Болалар бочмага қатнайдимми? Укувчи ёки талабанин ўзлаштириши қандай? Хонадонда чорва моллари боқиладимми? Бордию йўқ бўлса, кредит олиш имкониятидан хабардорми? Томорқда қанча дарахт бор? Экин парваршиладимми? Ана шу саволларни аниқлаш орқали барча хонадонда мавжуд имкониятларини ишга солиш, аввало, инсон манфаатларини қондириш бош мақсад қилиб олинган.

Утаётган ҳар бир кунни йилларга таъйинлаган Муस्ताқилликнинг 20-йилда вилоят халқ ҳўжалиги, иجتимоий ҳаёти, аҳолининг турмуш тарзидаги ўзгаришлар ҳақида сўз юритар эканмиз, уни воҳанинг ўзига хос ранг-баранг табииатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу заминда Ўзбекистони-мизнинг бетақорр табиати ажиб бир тарзда уйғунлашган. Қарийб 2 минг квадрат километрдан иборат ўрмонзор вилоятнинг асл хазинаси ҳисобланади. Утган асрнинг охиригача келиб, табииатта зўравонларча қилинган муносабат туфайли юртимиз табииатининг ноёб бойлиги бўлган олқор, айик, тоғ қолпо-ни сингари жониворлар, камёб ва шифобахш ўсимликларнинг жуда кўп турли йўқотиб юборилган эди. Бугун Зомин тоғларига яна олқорлар қайтиб келди. Ўрмонзорлар кенгайтирилиб, жониворлар ва ўсимликлар давлат ҳимоясига олинди. Шифобахш, маъданили сувларга бой булоқлар қайтадан кўз очди.

— Атроф обод ва кўркам бўлган сари ҳар ким ўзига ўзи ҳисоб беришга ўрганар экан, — дейди Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласи Тошқол кўчасида яшовчи Зиёвуддин Ашурматов. — Айни пайтда саранжом-сариш-талиқ учун интилмаган одам сувга қалқиб чиққан пўжақдай қўзга таллашиб қолади. Истиклол байрами кўнлари вилоят марказида “Меҳрин билан ашай-миз, Ватан!” шiori остида байрам тadbiri ўтказилди. Шу тadbир бандларидан бири бўйича турмуш қурганларига 20 йил тўлган энг намунали 20 та оила соҳиблари тақдирланшиди. Унда эл назарига тушган оила аъзолари муस्ताқиллик умр йўлларига қандай ифода тоналганини гапириб беришди. Истиклол тенгдошлари, онгли ҳаёти муस्ताқиллик даврига тўғри келган ёшлар хам ўз тақдирлари ҳақида сўз юритишди.

Хамма бу истакка чин дилдан қўшилди. Меҳмонлар ўз қизиқликларини яшириб ўтиришмади. Улар наватби билан эшик, дераза дасталарини тортиб қўришди. Меҳмонхона, ошхона, болалар хоналарини кўздан кечиришди. Қўл ювадиган жўмрақни бурашди. Хамма-хаммаси рисоладагидек. Шундай уйда яшаш, меҳмон кўтиш қандай завқли. Шундай юртда улгувор ишларга гувоҳ, дахлдор бўлиб яшаш эса қандай бахт. Шундай саодат хаммамизга насиб этсин.

Шўҳрат ЖАББОРОВ.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Хар бир тадбиркор, аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида хусусий мулкни ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиб буйича кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга оширилди...

ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида"ги...

Ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг амалга оширилиши, манфаатларига риоя қилинишининг таъминланиши, албатта, давлат томонидан кафолатланиши зарур...

Мутахассислар қонуннинг декларатив эмас, балки амалий ҳуқуқий ҳимояни таъминлашига алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш лозим. Зеро, ушбу қонун мулкдорнинг ўзига тегишли мулкдан эркин фойдаланиши ва тасарруф этишини, уни ҳуқуқбузарлардан ҳимоя қилиши, айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланишини, мулкдор ҳуқуқларининг аниқ ҳимоя этилишини таъминлаши зарур.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадида мулкнинг дахлсизлигини таъминловчи ва тадбиркорлик фаолиятининг натижаларини ўзлаштириш ҳуқуқини, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини мустаҳкамловчи, хусусий мулк ҳимояси ва мулкдорларнинг ҳуқуқлари кафолатларидан иборат юридик кафолатлар тизими таҳлил қилинди.

Ҳозирги вақтда миллий қонунчилигимизда хусусий мулк ҳуқуқи ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш буйича давлат кафолатларига муҳим ўрин ажратилган. Бундай кафолатлар амалдаги бир қанча қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Шу билан бирга, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳолисонга таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётнинг бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либерал-

лаштириш буйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунда мулк ҳуқуқларини бекор қилиш ҳамда мулкни олиб қўйиш ҳолларида уни адолатли компенсация қилиш қонунчилик ҳужжатлари билан етарли даражада тартибга солинмаган. Қонунчиликда ҳаволаки нормаларнинг қўлиги эса мулк ҳуқуқлари билан боғлиқ муҳим масалаларни тегишли соҳадаги қонун билан эмас, балки идоравий ҳужжатлар ёрдамида ҳал қилишга шароит яратди. Шу билан бир қаторда, хусусий мулк ҳуқуқига қилинган таъвоузга давлат органларининг жавобгарлиги аниқ белгиланмаган. Амалиёт кўчмас мулкни давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганини кўрсатмоқда.

"Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши эса, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф қилишда аниқ мудоаодир. Айни пайтда қонун лойиҳасида, аввало, хусусий мулк ҳуқуқининг

вужудга келиши ва бекор қилиниши ҳолатларини ва хусусий мулк ҳуқуқлари ҳақат қонунда белгиланган ҳолларда ҳамда суднинг қарорига қараб бекор қилинишини белгилаш лозим.

Қонун лойиҳасида, мутахассисларнинг фикрича, хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва бекор қилинишини таъкидлаш, хусусий мулкни олиб қўйиш ва уни чегаралаш буйича қарор қабул қилиши мумкин бўлган органни аниқлаш, олиб қўйилган мулкнинг қўяматини тўлаб бериш шартлари ва тартибини қонун билан белгилаш, давлат органларининг гайриқонуний ҳаракатлари орқали жабрланган мулкдорларнинг мулкни қайтариш талабини белгилашга эътибор қаратилиши керак. Шунингдек, хусусийлаштириш натижаларини бекор қилиш ва қайта қўриб чиқишни таъкидлаш, компенсация миқдори ва реквизиция қилинган мол-мулк қиймати буйича даъволаштириш имкониятини қонуний белгилаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Айни чоғда аввал тузилган битимнинг ноқонуний деб топилиши ҳолатида инсофли сотиб олувчининг манфаатларини ҳимояловчи нормаларни кўзда тутиш, рейдерлик тушунчасини киритиш ва у билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, мулкни, жумладан, ер участкаларини олиб қўйишнинг қонуний асосларини аниқ белгилаш, гайриқонуний равишда мансабдор шахсларнинг хусусий мулкни тўлиқ компенсация қилмасдан туриб олиб қўйиш буйича ҳаракатини жиноят деб баҳолаш бугунги куннинг талабидир. Айниқса, қонун лойиҳасида хусусий мулкни ҳимоялаш буйича қонунчиликка амал қилинишини таъминлаш бора-сида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини аниқ белгилашнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Хулоса ўрнида айтганда, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун мулкдорнинг эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларидан эркин фойдалана олишини, хусусий мулкни ҳимоялаши, шунингдек, мулк ҳуқуқи бузилган ҳолларда уни қайта тиклашга ишончли кафолатлар яратиши лозим. Зеро, бу тартиб-қоидалар, пировардида, иқтисодиётда хусусий мулкнинг самарали фаолияти учун қўлай шароитларни яратди, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги тадбиркорлик ташаббусларини ҳамда фаолиятни рағбатлантиради.

Насимжон АЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси.

Дастанбаки маҳсулотлар сотувда

Тоҳиржон Абдурахмонов Андижон шаҳрида фаолият кўрсатётган минглаб тадбиркорлардан бири.

У "Робияэлитатикувчи" корхонасини ташкил қилиб, уни хориздан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлади.

Таъкидлаш керакки, ҳозир 22 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонада дастлабки уч мингдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, савдо шохобчаларига чиқарилди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Мамлакатимизда турли соҳаларда эришилган улуғвор натижаларни кўз олдимизга келтира эканмиз, улар орасида ёнилли-энергетика тизимда амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Истиқлол йилларида юртимизда мазкур йўналишда замонавий технологияларни қўллаш орқали самарадорликни оширишга катта эътибор қаратилди. Зеро, иқтисодиётни янада тараққий эттиришда ёнилли-энергетика комплексини ҳозирги кун талаблари даражасида ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ, ИЗЧИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

Қашқадарё вилояти нефть, табиий газ, конденсат ва бошқа қазилма бойликлари кўплиги, уларни ўзлаштириш, қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорга етказиб бериш буйича мамлакатда етакчи ўринда туради. Бу ҳудудда ана шу гоёт қимматбахо ресурсларни юртимиз иқтисодиётига йўналтириш учун кенг қўламли нефть-газ мажмуаси вужудга келтирилган.

Мазкур мажмуадаги бир қатор корхоналар қонларни қидириш, уларнинг ҳажмини аниқлаш, бурғилаш, қазиб олиш, қуриш-монтаж ишларини амалга ошириш билан машғул бўлса, бошқалари қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб беришга ихтисослаштирилган. "Муборакнефтгазмонтаж" очик акциядорлик жамияти шундай йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Икки минг нафардан зиёд қурувчи, монтажчи, муҳандис-техник ходим меҳнат қилаётган ушбу жамоанинг йиллик иш кўлами 40 миллиард

сўмдан ошқни ташкил этади. Ана шу қурилиш-монтаж, ускуналарни ўрнатиш ишларининг асосий қисми нефть ва газ саноатининг энг зарбдор объектларида бажарилиши кўзда тутилган. Шу ўринда улардан бири — Муборак газни қайта ишлаш заводининг ўз мудоаитини ўтаб бўлган иккинчи навбати қувватлари ўрнини босиши кўзда тутилган 18-блокдаги қурилиш-монтаж ишлари-га қисқача тўхталайлик.

Бу объект ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, иш кўлами жиҳатидан нафақат Қашқадарё вилояти, балки мамлакатимизнинг 2011 йилдаги муҳим қурилишлари қаторига қўшилган беҳиз эмас, — дейди "Муборакнефтгазмонтаж" ОАЖ бошқаруви раиси Баҳром Қушаев. — Бу жараён ишни пухта ташкил қилишни, таъминотни тизимли равишда йўлга қўйишни тақозо этди. Шу боис мазкур қурилишда жорий йил-

нинг олти ойидаёқ 3 миллиард 684 миллион сўмликдан зиёд иш адо этилди. Турли ҳажмдаги 55 та ускуна ўрнатилди. Бундан ташқари, ҳаммаси бўлиб 15 минг погонметрдан зиёд технологик қувурлар, 2600 дан ортиқ таянч устунлар монтаж қилинди. Насиб этса, 18-блокнинг тўлиқ ишга туширилиши

билан йилига 2 миллиард куб метр газни қайта ишлаш имкони яратилади.

Бунёдкорликка бел боғланган жамоа бугун нефть ва газ саноатини янада тараққий эттиришга хизмат қиладиган эллиқдан ортиқ ана шундай зарбдор қурилишлар бошида турибди. Хушнинг ўтаб бўлган иккинчи навбати қувватлари ўрнини босиши кўзда тутилган 18-блокдаги қурилиш-монтаж ишлари-га қисқача тўхталайлик.

Юқори босимли газ қувурларини пайвандлаш, нефть ва газ саноатининг мураккаб ускуналарини ўрнатиб, сошлаш ишчилар, мутахассислардан юқори малака, маҳорат ва билим талаб эта-



ди. Очик акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш бўлими бошлигининг ўринбосари Дониёр Нейматов, бош механик Исомиддин Саидов, хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи Эгамберди Удаев, чет эл инвестициявий лойиҳалари бўйича менежер Сайфулла Қодиров сингари тажрибали ходимлар ёшларга соҳанинг ўзига ҳош жиҳатларини кунт билан ўргатмоқдалар. Ҳақберди Умунов, Ойбек Суводдиқов, Умрзоқ Юсупов каби ёш мутахассислар уларнинг муносиб ворислари эканликларини намён этишгаётир.

Ушбу жамоа "Ўзбекистон — Хитой" газ қувури магистрალი сингари гоёт йирик қурилишларга камарбаста эканлиги ҳодимлар ва муҳандис-техниклар зиммасига улкан масъулият юклайди. Шу боис уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2011 йилнинг ўтган даврида юз нафардан зиёд ходим қайта тайёрланганлиги буни тасдиқлайди. Уларнинг аксарияти пайвандлаш ишларини энг замонавий усулларда олиб борадиган моҳир ишчилардир.

Бепоев Қарши чўли, Қорақум саҳроси, бошқа кенгликларда нефть ва газ қонларини ўзлаштиришни кенгайтириш, бу бебаҳо ресурсларнинг халқ турмуш фаровонлигини оширишдаги ҳиссасини янада кўпайтиришдек эзгу мақсадда бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари изчил давом эттирилмоқда. Катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда "Муборакнефтгазмонтаж" ОАЖнинг меҳнат жамоаси ҳам фаол қатнашмоқда.

Файзулла ЭШҚУЛОВ, журналист. Қашқадарё вилояти

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ўртасида

«Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши бизнес лойиҳа», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Қишлоқ жойларда энг яхши бизнес лойиҳа», «Аёл тадбиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа»

йўналишларида эълон қилинган танловда кичик бизнес субъектларининг иштирокини янада кенгайтириш мақсадида лойиҳа ҳужжатларини қабул қилиш мuddати узайтирилганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Лойиҳа ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2011 йил 15 октябрь.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+998 71) 233-63-78, 120-45-22, 120-36-20.

Qishloq Qurilish Bank «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ

фаолиятига оид муҳим фактлар тўғрисида маълумот

Банкнинг тўлиқ номи — «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки. Банк жойлашган манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.

Банк акциядорлари диққатига! 2011 йил 10 октябрь кuni соат 10.00 дан бошлаб «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй («Ўзлонмаҳсулот» АК биноси). Акциядорлар 2011 йил 10 октябрь кuni соат 8.30 дан 9.30 гача рўйхатга олинади.

Умумий йиғилиш кун тартиби: 1. Банк устав капиталини ошириш тўғрисида. 2. Тузилишидан мафратдорлик бўлган битимнинг банк томонидан тузилиши тўғрисида. 3. Банкнинг навбатдаги қимматли қоғозларини қўшимча чиқариливи тўғрисидаги қарори ва эмиссия риволасини тасдиқлаш тўғрисида. 4. Банк кенгашининг бошқарув таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишга шахсини тасдиқловчи ҳужжат, уларнинг вакиллари эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Маълумот тартиб рақами — 07 «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ кенгашининг 2011 йил 9 сентябрдаги қарорига асосан: 1. Умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш учун реестр ёпиладиган сана — 2011 йил 9 сентябрь. 2. Умумий йиғилишда иштирок этадиган акциядорлар реестри ёпиладиган сана — 2011 йил 6 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни тайёрлаш ва етказиб бериш учун танлов эълон қилади:

«соя» рангли ёзги камуфляж кепилар, бир кишилик пахтали матраслар, пахтали ёстиқлар, чармли «пилот» куртқалар, казарма шиппақлари, тасма (тесьяные) шим камарлари, денгиз тўлкини рангли энги узун блузқалар, денгиз тўлкини рангли энги калта блузқалар, оқ рангли энги узун блузқалар, оқ рангли энги калта блузқалар, икки бармоқли ил газлама кўпоқлар, турли хил шевронлар, қора рангли машқ костюм-комбинезони.

Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан танловда қатнашиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 иш кuni мобайнида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар кuni соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-61-45, 231-61-47. Факс: 8 10 998 (371) 231-43-78.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

«Kafolat» davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi (OAJ) жамоаси компаниянинг Қашқадарё вилояти филиали бош бухгалтери Фавзия Сунгатуллинга турмуш ўртоғи Роберт Талгатович СУНГАТУЛЛИНнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Фарзанднинг онага бўлган меҳрини тўлиқ таърифлаб бўлмаганидек, ватанпарварлик туйғусини ҳам сўз билан ифодалаш мушкул. Зеро, Ватанни онага қиёслаймиз, уни ўзгача муҳаббат билан ардоқлаймиз.

Тўғри, бу оламда сўлим масканлар, гўзал ўлкалар кўп. Бир гал хизмат сафари баҳона ҳорижда бўлдим. Аммо ҳамма ни ҳайратга солаётган ўзга юртингиз гузалликлари татимай, юрагим сиқила бошлади. Ниҳоят, Тошкентга қайтадиган кун келди. Самолётга чиқишимиз билан ёқимли овоз янгради: "Ассало-му алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз". Ростини айтсам, кўзимдан ёш қалқиб кетди. Бу сўзлар менинг тилимда, она тилимда жаранглади! Ватанимдан минглаб қақирим нарида, тагин юзлаб хорижий йўловчилар ўтирган ҳаво кемасида!.. Ватан сасини, ўзбекона лутфни жуда соғинган эканман... Ердан кўтарилишимиз ҳамано снордесса қиз ёнимизга келиб, патнис тутаркан, илтифот билан "Тошкент" суви ичасизми ё шарбатми?" дея сўради. "Тошкент" сўзи қулгоимга шунақанги ёқимли эшитилдики, таърифлай олмаймам. Дарров суви олдим. Ҳўлладим. Шу суви ичиб катта бўлганман. Ажаб, етти икким кезиб, бундай мазали сув топилмаслиги шу чоққача ҳаёлимга келмаган экан.



...ТУПРОФИДА ОЛТИН ГУЛЛАЙДИ

мунча ёши билан оламни кезиб, ҳеч бир ерда мундоқ шаҳар ва қўшқўрмаган туруп", дея таърифлаганди. Испан элчиси Клавихо "Бу ердаги безаш ишларининг барчаси олтин, ложувард ва қимматбаҳо тошлардан қилинганки, бунга ҳатто Парижнинг мохир усталари ҳам қойил қоларди", дея тан берганди.

Халқнинг асл миллий қиёфасини билмоқ истасанг, сайилларга бор, дейдилар. Кимга қандай, билмадим, менга, айниқса, қовун сайиллари ёқади. Юртимнинг қадокқўл миришкорлари кўз нуралиро пешона терлари билан етиштирган қовунларининг энг ширинларини келтиришади. Давраларда бошланган ширинка уйинларид

етилиб турган қовунлар пичоқ тегад-тегмас тирсиллаб ёрилиб кетади. Кўнглимда кечган саволни ўртага ташлайман: "Бундай қадимий навлар бугун нега кам? Шоҳ Бобурни ийбатлагани қай бири? Улар энди экилмайдими?". "Экилади, — жавоб беришди даврадагилар. — Фақат, фидойи деҳқонлар экишадми". Дарҳақиқат, "Гурвак"ни фақат Хоразмга борсангиз, кўрасиз. "Бўриқалла"ни Самарқандда учра-

дидан баҳраманд бўлишни ким орзу қилмайди, дейсиз. Қашқадарёнинг Нишон туманида умри чорвачилик билан кечган "Шухрат" медали соҳибини 111 ёшли Шоберди бобо Менглиев билан учрашдим. Ҳазил аралаш: "Узоқ яшашни бизга ҳам ўргатинг" десам, отахон қўлиб: "Ҳамма гап чорвадаю сут-қатлаб, десам, гаптерарингни ташлаб, чўпон таёғини оларимдинг?" дедилар. Ана сизга ўз касбига, ҳаётга

МАДАНИЯТ

хабарлари

Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда.

Бу борада, айниқса, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фестивалъ, кўрик-танлов ва кўргазмаларнинг мунтазам ташкил этилаётганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшларимиз халқаро танлов ғолиблари

Яқинда Бангладеш Халқ Республикасида ўтказилган VI халқаро болалар ижодий биенналесида иштирок этган бир гуруҳ ёш ижодкорларимиз қўлга киритган муваффақиятлар ҳам мамлакатимизда бу борада изчил сиёсат олиб борилаётганлигини далиллади.

Кунги кеча пойтахтимиздаги Халқаро маданият қарчонсаройида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда соҳа мутахассислари, санъатшунослар, раҳбарлар, талаба-ёшлар, шунингдек, мамлакатимизда

Суратларда Ватан манзаралари

Урганч суратлар галереясида иқтидорли фоторассом К. Уразимбетовнинг "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" деб номланган ижодий кўргазмаси очилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрамига бағишлаб уюштирилган кўргазмада ижодкорнинг 30 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Уларда юртимизнинг бетакрор табиати, қадимий обидалари, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, бегубор болаликнинг бахтли онлари ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш лозимки, К. Уразимбетов мамлакатимизда ўтказилган бир қанча нуфузли танловларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олган. Кўргазмада дунёнинг қўллаб давлатларидан келган сайёҳлар қатнашиб, К. Уразимбетов ижодига муносиб баҳо бердилар.

«Истиқлол» боғи барпо этилди

Ғузур тумани марказида "Истиқлол" маданият ва тирокхот боғи фойдаланишга топширилди.

26 гектар майдонни эгаллаган мазкур боғ "Шўртаннефгаз" унитар шўъба корхонаси ҳомийлигида барпо этилди. Ҳозир бу ерда 1500 уринли кичик амфитеатр, қўллаб аттракционлар ишлаб турибди. Шунингдек, ушбу масканга 6 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Айни пайтда "Истиқлол" жажжи болакаларнинг шодон кулгалирини билан тўлиб-тошган.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлол йилларидаги тараққиёт йўлимиз — ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тубдан ислоҳ этиш орқали мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни янгилаш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирлар бугун ўзининг самарасини бермоқда. Бунга таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўлланли ислохотлар самараси ўларок, қўлга киритилган натижаларимиз ҳам тасдиқлаб турибди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

билимми, салоҳиятли фарзандларимиз муваффақиятларда намоеън бўлмоқда

Буни биз фаолият юртаётган Кўшқўпир туманидаги 4-айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1991/1992 ўқув йилида иқтидорли болалар мактаб-интернати сифатида иш бошлаган ушбу муассаса 2010 йилдан бошлаб айрим-айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига айлантирилди. Айни чоғда бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижада мактабимиз юртимиздаги илғор таълим даргоҳларидан бири сифатида шаклланди. 20 йил мобайлида қўлга киритилган утуқларимиз ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Жумладан, 1993 йили 14 нафар битирувчининг 13 таси, 1994 йилда 43 нафардан 39 таси, 2010 йилда 65 нафардан 48 таси олий ўқув юртига оқори баллар билан ўқишга қабул қилинди. Умуман олганда, ўтган даврда мактабимизни битирган 1212 нафар ўғил-қизнинг 995 нафари талаба бўлди. Ҳозир уларнинг аксарияти турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Мактабимиз ўқувчиларининг Республика фан олимпиадаларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келатгани билан айтиб ўтиш жоиз. Ўтган 20 йилда 21 нафар ўқувчимиз фан олимпиадаларида мактаб шанини муносиб химоя қилди. Уларнинг 16 нафари ғолиб бўлиб, олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилинганлиги эса эътиборга молик. Шунингдек, 2 нафар ўқувчимиз математика ва кимё фанларидан халқаро олимпиадаларда соҳибкори ўринларни эгаллашди.

Мазкур муваффақиятларимиз замирида, такрор бўлса-да айтаемиз, таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўлланли ислохотлар муассамдир. Дарҳақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, 43 нафардан 39 таси, 2010 йилда 65 нафардан 48 таси олий ўқув юртига оқори баллар билан ўқишга қабул қилинди. Умуман олганда, ўтган даврда мактабимизни битирган 1212 нафар ўғил-қизнинг 995 нафари талаба бўлди. Ҳозир уларнинг аксарияти турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар.

Умид ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳисси.
Кўшқўпир тумани

Тадбир Саломатлик акцияси

Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ҳамда "Salus vita" тиббий-соғломлаштириш диагностика маркази ҳамкорлигида "Оила саломатлиги" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ушбу хайрия акциясида юрак хасталиги эҳтимоли бўлган ҳамда кардиожароҳлик йўли билан даволанган болалар ўзбекистонлик ва россиялик мутахассислар кўригидан ўтказилмоқда. Уларга тиббий муолажалар тайинланб, зарур тавсиялар берилапти.

— Мамлакатингизда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ, — дейди Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги 1-болалар шифохонаси кардиожароҳи В. Довгань. — Бу ерда барпо этилган замонавий шифо масканлари, турли диагностика марказлари энг сўнги русумдаги тиббий ускуналари билан жиҳозланганига гувоҳ бўлдим. Бугун бошланган хайрия тадбири икки мамлакат тиббий ходимлари учун ўзаро тажриба алмаштириш вазифасини ҳам ўтайди.

Х. холдоров.

Олхўри жуда серхосият мева саналади. Олимларнинг маълумотларига кўра, бу ажойиб неъмат таркибиде қанд, глюкоза, С, Р, В гуруҳи витаминлари, калий, фосфор, кальций, темир ва магний каби бир талай шифобахш дармондорилар бор. Дана-гиде эса 42 фоизгача мой мавжуд бўлиб, у сифати жиҳатидан бодом мойи сингаридир.

Олхўри дарахти атирғушошлар оиласига мансуб бўлиб, шадлоли ва ўрикка нисбатан совуққа бар-



УСТОЗ КЎРГАН ШОГИРЛАР

— Биз қадимий зардўзлик-миниатюра йўналиши асосида ишлаймиз, — дейди Маҳфуза она. — Асарларимизда мос мазунини қадимий китоблардан излаймиз. Баъзан тасаввуримизда манзара хусусида расмга сўзлаб бераман. У қоғозга туширади. Тасвир кўнглимга ўтирсангина ишга киришаман.

Миниатюра — жуда нозик йўналиш. Камолдин Бехзод асарларини бир эсланг. Лекин рассом чизган суратни матога тушириб, уни зардўзлик санъати асарига айлантириш ўта машаққатли иш. Баъзи йирик полотноларга зардўзлар йиллаб вақт сарфлашади. Кўз нури, қалб ҳарорати билан дунё юзини кўрган бундай асарлар шунчаки буюм эмас. Улар йиллар, асарлар оша халқимиз ақлаковатининг махсули сифатида қадр топиб ботаверади. Маҳфуза Салимова ва унинг шогирдлари қўлида жило топан, айни дамда Тошкент амалий санъат музейида сақланаётган "Испан сайёҳи Гонсалес Амир Темур ҳузурда" асари ана шундай дурдоналардан биридир.

— Мустақиллик шарофати билан хунармандчилик равнақ тоғли, — дейди суҳбатдошимиз. — Унутилаётган қўллаб халқ амалий санъати турлари қайта тикланди. Халқаро кўргазмаларда ўз маҳоратимизни намойиш этаймиз. Масалан, мен Бутунжаҳон хунарманд аёллар кўргазмасида муваффақиятли қатнашиб, совриндорлар қатори-

ХУШХЎР, ТЎЙИМЛИ, ДАРМОНГА БОЙ

дошлидир. Қолаверса, ҳар йили ҳосил беради. Юртимизда олхўрининг бир неча нави мавжуд. Дейлик, "Мовий" нави эртаги ҳисобланиб, ёз бошида пишиб етилса, июль ва август ойларида "Қирки" ҳамда "Венгерка" навларини йиғиб-териб олиш мумкин. Олхўрининг энг сершираси эса "Қора олу" нави ҳисобланади. У қуз фаслида дастурхонга тортилади. Бизнинг шароитимизга мослашган ушбу навлар тўйимлилиги билан бошқа жойларда етиштирилмаган мазкур турдаги мевалардан ажралиб туради. Масалан, юз

грамм мева 60 килокалорий қувватга эга ҳисобланиб, иштаҳа очди, ичакни фаоллаштиради ва унинг тўлқинсимон ҳаракатини таъминлайди. Шу боси шифокорлар уйку олдидан 15 дона олхўри

Шифобахш неъмат

ёҳуд шу мевадан тайёрланган мармеладдан таъбга кўра тановул қилишни тавсия этадилар. Бу сурункали қабзият ҳамда тери салқинидан олдини олар экан. Шундан ташқари, олхўри меваси атеросклероз, буйрак, бод

UZTRANSGAZ

«ЎЗТРАНСКАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун маъсул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 262,2 ▼ - 17,5 ЦЕМЕНТ (пц400 д220) 281,9 ▲ + 32,5 АРМАТУРА 3343,0 ▲ + 8,1 ШИФЕР (1 лист) 15800 ▲ + 21 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 **Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.**

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан сақланади.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50

Топширилди — 23.15

1 2 3 4 5